



### **Бобо парвоначининг акаси Худоёрбий валинаъмининг амирлик ўрнига ўтириши**

Худоёрбий валинаъмининг вафоти хабари Бухорода Шохмуродбий валинаъми кулогига етишгач, тўхтовсиз равишда Ўратепа томон йўлга тушди. Неча масофаларни босиб ўтиб, Зомин мавзесига етишди. Бу ернинг хокими саййидлик панохи азиз акам Махмудхон эди. Шохмуродбий валинаъми Зомин калъасини паргор чизиги каби айлана килиб, ўртага олган кўйи камал ва уруш ишларига киришди. Саййидлик панохи хам ўку тўфанг отиб, калъа мудофаасини тўла-тўкис амалга ошириб турди. Аммо, уч кундан сўнг ўртага сулх сўзи солина бошлади. Нихоят саййидлик панохи шартга кўра калъани бўшатиб, Ўратепа томонга кетди. Шохмурод валинаъми калъани кўлга киритгач, у ердан кўзгалиб, Ўратепа якинига бориб кўш ташлади. Шохмуродбий валинаъмининг келганидан хабар топган Бобо девонбеги дархол ўз номусини улоктириб, Хўкандга Норбўтабий валинаъми хузурига доно чопарлар жўнатиб, ўз ниятини билдирди. Норбўтабий валинаъми унинг сўзини қабул кулоги билан тинглаб, Фаргона лашкари билан Ўратепа томон йўналди. Анча йўлларни босиб ўтгач, Хўжандга келиб тушди. Хар учала сохиби давлат ўртасида саййидлар ва уламову умаро ва талай катта кишилар анча борди-келди килишди. Аммо, буларнинг ҳеч бири тугунни еча олмадилар. Нихоят факирнинг бобоси жаноб саййидлик ва нажиблик панохи эшон Ҳаким тўра Шохмуродбий валинаъми ўрдусига ташриф буюрди ва оталарча насихат килди. Ул кадрни англовчи мир жаноб эшоннинг сўзларини жону дили билан қабул килди. Шу тарика бобом хазратлари хар учала амирлик панохларини яраштирди ва уларнинг хар бири ўз кароргохига кайтиб кетдилар. Шохмуродбий валинаъми Бухорога етгач, бир неча кун хотиржамик билан дам олиб, хордик чикарди.

### **Шохмуродбий валинаъмининг Хўжанд вилояти томон йўналгани зикри**

Шохмуродбий бошига яна Хўжандни босиб олиш хою-хаваси тушиб, катта кўшин билан вилоят келинчаги томон йўналди. Чунончи айтмишлар, Назм:

Хофиз ту тарки сухбати хубон намекуни,  
Дони кужост жойи ту - Хоразм ё Хўжанд.

(Мазмуни:

Хофиз, гўзаллар сухбатин этмасанг тарк агар,  
Биласанми, жойинг каер - Хоразм ё Хўжанд).

Бир неча масофани босиб ўтгач, ул шаҳарни узукнинг қошидек ўртага олди.  
Худоёрбийнинг тўнгич ўгли Бекмуродбий ўку тўфанг отишга машгул бўлди. Уч кундан  
сўнг Шохмуродбий Хўканд томондан ваҳимага тушиб, қайтиб кетди. Аммо, Хўжанднинг  
хосу оми ва кишлокларини талон-тарож қилиб, аҳолисини Самарқандга кўчириб кетди.  
Тун ярмидан окканда эса Шохмуродбий у ердан ҳам кўчиб, Жиззахга келди. Унинг  
олдида машъаллар ёкиб боришарди. Иттифоқо, таланиб ва асир олиниб кетилаётган  
кишилардан биттаси ушбу байтни баланд товуш билан ўқиди, байт:

Дуди машъал пеш-пеш, охи мазлумон зи пас,

Гар ба ин нахж аст мулкдорихо хавас.

(Мазмуни:

Машъал дуди олдинда, кетидан мазлумлар охи,

Шу йўл билан экан-да, юрт олмок хою хаваси).

Шохмурод бий буни эшитгач «ха, тўгри айтибди», деди ва ушбу мисрани ўқиди. Мисраъ:  
Сўфи шудани ўзбак ишкамаи рох мемонад (Ўзбакнинг сўфи бўлгани йўлнинг каваригига  
ўхшайди); Шохмуродбий Хўжанддан кўчириб келтирган одамларини Самарқандда  
жойлаштирди ва уларни Самарқандни обод қилиш ишларига буюрди. Ўзи эса Бухоро  
томонга қайтди. Бу сўфи сифат амирнинг қароматли ва одатдан ташқари ишларидан  
бири шу бўлдики, ўша Хўжанд сафаридан қайтишда қасалга қалинган, кўрган одамига  
қараб «бизнинг ишимизни валийлар султони Муслихиддин Хўжандий бир ёқлик қилди.  
Тагин худо билади-ю, бу қасалдан тузалмасам қерак», деган экан. Иттифоқан, бир неча  
кундан сўнг борлик этагини бу нопойдор хокдондан йигиштириб, юзини охират томон  
қаратди ва ўша бир минг икки юз ўн иккинчи йили ҳақнинг қақирув хитобига «лаббайка»  
дея жавоб берди.

Байт: Дунё қи дар ў бўйи вафо нест пақид,

Бояд қ-зи ҳар қи ҳаст пайванд бурид.

Ин сурати маргро дар ойинаи адл,

Аз руйи хирад ҳамеша мебояд қид.

(Мазмуни:

Вафо деган нарсанинг ўзи йўқ бу дунёда,

Қандай боқланган бўлсанг ҳам уни узмок қерак.

Ўлимнинг бу юзин ақл ойнасида,

Хирад юзидан ҳамеша кўрса бўлади).

Шохмурод бийнинг уч нафар барқамол ўгли бор эди: Амир Хайдар подшоҳ, Дин Носирхон  
ва Муҳаммад Хусайинхон. Амир Хайдар подшоҳнинг онаси Абулфайзхон аштархонийнинг  
қизи эди. Қарши ҳуқумати шу амирга қарашли эди. Дин Носирхон Марви Шохжаҳонда  
хуқронлик қиларди. Муҳаммад Хусайинбек Самарқандда амирлик мансабида  
ўтирганди. Шохмуродбийнинг умри муддати олтмиш беш ёш бўлди. Амирлиги ўн етти йил  
давом этди. Ўрнига амир Хайдар подшоҳ салтанат тахтига ўтирди ва тахт поясини осмон  
томи устига қўйди. Давлат тожини то Сурайё юлдузига теккудек қилиб бошига  
қўндирди. Ва Бухоро мамлақатини адолат зевари билан беқади. Ва уқаси Дин Носирхон

акасидан хадикспраб, Марвни бўшатганча, Эронга кочиб кетди. Фатхалишоҳ кожор унинг кадамини муборак санаб, иззат-икром кўрсатди. Мукаддас Машхад шахрида муносиб жой тайёрлаб, шунга туширтди ва Дин Носирхон ўша ерда фарогат топди. Мухаммад Хусайинхон ҳам Самаркандда ўтирганча иши юришмаслигини сизди ва ноилож йўналиш жоловини Шахрисабз томон бурди. Ниёзали валинаъми бу хабарни эшитиб, муносиб равишда кутиб олди ва яхши бир уйга тушириб, кўп иззат-икром кўрсатди. Бир неча вақтдан сўнг ўзининг ожизасини унинг никохи кайдига киритди. Мухаммад Хусайинхон ул вилоятда тургун бўлиб колди.

### **Амир Хайдар подшоҳнинг Хисор вилоятига йўналгани зикри**

Мир Хайдар подшоҳ кўнглини укалари хадики ва кўркинчи ташвишидан тинчитгач, Хисори Шодмон томонга йўналди. Йўлларни босиб ўтиб, манзилга етиб, ул вилоятни бутунча эгаллади. Бу ернинг ҳеч бир сохиби давлатга бўйин эгмайдиган хокими Аллаберди Тоз неча бир хорлик билан магрур бошини подшоҳ кундасига кўйиб, мир унинг танини бошидан енгиллатди. Айримлар айтишича, мир Аллабердини хали подшоҳлик номини олмасдан бурун ўлдирган экан. Алкисса, ул вилоят мамлакатларини Сайид оталик юзга топшириб, Бухорога кайтди.

### **Мир Хайдар подшоҳини Шахрисабз вилоятига лашкар тортгани**

Анчадан сўнг мир Хайдар Шахрисабз томон лашкар тортди. Бир неча масофани босиб ўтиб, ул вилоятга етди. Ниёзали девонбеги унинг келганидан воқиф бўлиб, уруш ва уруш ишига хозирлик кўрди. Эртаси куни улар орасида шундай каттик жанг бўлдики, қадимгиларнинг қиссаси тарих саҳифаларидан ўчишига сал колди. Мир Хайдар подшоҳ караса, иши юришадиган эмас. Ноилож ярашиб, Бухорога кайтди. Ўша пайтда Ўратепада Бобо девонбеги хукмронлик қиларди. Худоёрбий валинаъмининг тўнгич ўгли Бекмуродбек Бобо девонбегишт куёви бўлиб, тажрибасизликдан бир неча хушомадгўй ва харомийлар сўзига кириб, ўзининг бузруквор амакисини аёвсиз қилишнинг дамидан ўтказди ва унга шахидлик шарбатини ичирди. Бу ўта ярамас иш ниҳоят унинг ёқасидан олиб, олти ойдан сўнг ўзи қазиган чуқурга ўзи кулади. Мазкур воқеа тафсили шуқим, Бобо девонбегишт шахидлигидан кейин, Бекмуродбий амирлик мансаби ўриндигига ўтириб, Ўратепани барча тобе ерлари билан бирга қўли остига олди. Бу хабар эса бутун Туркистон бўйлаб тарқалиб, амир Хайдар подшоҳ ҳам воқеа тафсилотини эшитгач, йўналиш жоловини ул шахар томон бурди.

### **Амир Хайдарнинг Ўратепа томонга лашкар тортгани**

Шундан сўнг ҳеч тўхтовсиз лашкар билан Ўратепа сари юриб, анча масофани босиб ўтгач, Ем мавзесида кўш ташлади. Бу хабар Бекмуродбий кулогига етиб, хизматкорликни ўзига касб қилиб олган кўйи элчи юбориш орқали «агар жаноб амир меҳрибонлик кўргузиб, гуноҳимдан ўтсалар, кўнглим тинчиб, шу захоти даргоҳлари бўсағасини ўпиш учун бораман», дея арзга етказди. Мир Хайдар подшоҳ Бекмуродбекнинг бу сўзларини эшитиб, жуда хурсанд бўлди ва унинг элчисига олий сарупо инъом қилиб, ул бечоранинг кўнглини тўлдирди ва ўзининг элчисини ҳам келган элчига қўшиб юборди. Бекмуродбий қон тутиб, Мир Хайдарнинг бугдой деб, арпа сотувчи сўзларига алданган кўйи унинг ўрдусига келди. Мир Хайдар подшоҳ ўша куни унга марҳаматлар кўргузиб, яхши бир жойга туширди. Эртаси куни Бобо девонбегишшт ўглига «отангнинг қони учун ундан қасос ол», деб буюрди ва Бекмуродбий бузруквор амакисига ичирган шарбатдан ўзи ҳам татиб, бировга қилган ёмонлиги ўзига қайтиб, оламдан ўтди. Бундай ишлар ҳақида демишлар, байт:

Бади макун ки дар ин кшшпзори зуд завол,  
Ба даспг овари ҳамон бидарави ки худ кори.

(Мазмуни: Ёмонлик қилма ки бу ўткинчи далада,  
Нимани эксанг шуни ўриб оласан).

Мир Хайдар подшоҳ Бекмуродбий ишидан тинчигач, у ердан кўзгалиб, Ўратепа қалъасига кириб кўш ташлади. Ўратепани барча тобе ерлари билан бирга ўзининг қувват қўлига киритиб, ул мамлакат ҳукуматини мулло Эрназарбий манкит зиммасига юклади. Бухоронинг Ҳаким қўшбегишшт ақаси Мухаммад Кобилбий инок, Бекмурод парвоначи қаби улуг амирзодаларига ўхшаш тожику ўзбақдан иборат тўрт минг жасур кишини ўша мамлакатга тайин қилиб, ўзи Бухорога қайтди.

### **Элтузархоннинг Бухоройи шариф томонга лашкар тортгани ва унинг дарё наханги оғзига кетгани зикри**

Ўша пайтда Хоразм мамлақатида Элтузархон давлат ногорасини чалиб ўтирган эди. Мовароуннахр подшоҳларини писанд этмай, ўз югурдақларидан бири ўрнида кўрарди. Ниҳоят, давлат гурури уни ўз холига қўймай, Бухорони фатҳ этиш умидида қатта лашкар билан Омуя дарёсидан кечиб ўтди. У бу гурур орқасида муҳрига ушбу исми назм билан ўйиб ёздирган эди, муҳр-га ўйилган исм будир:

Ҳасмдин айламогон андеша,

Элтузархон шижоат пеша

Элтузархон хабари мир Хайдар подшоҳ кулогига етишгач, тўхтовсиз равишда Бухоронинг

барча амирларига душман каршисига чикиш борасида фармон берди. Амирлар бир неча масофани босиб ўтгач, ўзларини манзили мақсадга етказдилар ва кўшиннинг довул ва сурнай-карнайлари овози замини замонни ларзага келтирди. Маснавий:

Гиревидани кўси дарида магз,  
Ба пойи тамаккун бароварда лагз.  
Ду дарёи хунин бароварда жўш,  
Медарид магзи сарон з-он хурўш.

(Мазмуни: Ногора товуши мияни тешди, Сабот оёгига ларза тушди. Икки конли денгиз кўпириб, Бошдаги мияни ёрди сурони).

Икки томон урушга кирдилар ва ўлдир-ўлдир бозори кизигандан-кизиди. Анча уруш ва жангдан сўнг зафар насими бухоролик амирлар байроги томон киришди ва Урганж лашкари кочиш сари юзландилар. Кочокларнинг жуда кўпи дарёга гарк бўлишди. Хали ҳам ўз фикрида турган Элтузархон караса, иш кўлдан чиккан ва олов билан ўйнашиб бўлмади. Ноилож бўйнини эгиб, кемага чикди ва кочиб кета бошлади. Байт:

Ох аз он толеи баргашта ки хар рўз маро,  
Рў ба жойе бинамояд ки бало бештар аст.

(Мазмуни: Кайтган толедан охким, у хар кун бизни,  
Бало кўпрок жойга бошлаб боради).

Бечора дарёда сафар килмокчи бўлди-ю, аммо шу кўйи охират сафарига чикканини билмади. Чунки, кочок аскарлар душман чангалидан кутулиш ниятида хон чиккан кайик атрофини ўраб олиб, улар ҳам чикмокчи бўлишди. Ахир хони билан бирга дарёдаги баликларга ем бўлажакларини кайдан ҳам билишибди. Элтузархон ўзи омон колиши мақсадида ҳеч кимни кемага якинлаштирмаслик учун канча уринмасин, барибир ажал ёқасидан ушлаб олиб, бирор фурсат кўйиб юборишга йўл бермади, яъни хоннинг ҳаракатлари беҳуда кетиб, одамлари кайикка каттик ёпишиб олишди ва улар огирини кўтара олмаган кема хаммасини олган кўйи дарё тубига чўкди. Шу зайл хону аскарлар барчаси фано дарёсига гарк бўлдилар. Урганж ахолиси бу воқеани кўриб, таслимга рози бўлдилар. Бухоролик амирларни кутиб олиб, Урганжнинг фатх этилганини билдирдилар. Ўша куни Урганжнинг Бешкалъасида мир Хайдар подшоҳ номига хутба ўқилди. Бухоро амирлари Урганж калъаси ичига кирмокчи бўлиб турганларида эгри юрувчи фалак эски одатини килиб, имкон оламида бошка бир тақдир ўйинини кизитиб юборди. Шоир айтмиш, мисраъ: Наздики лаб оранду чашидан натавонанд (Огзига якин келтиришади-ю, ичиша олмайди); Бу воқеанинг юзага келиш сабаби шуки, ўша вақтда олий мартабали амир Олимхон Фаргона лашкари билан Ўратепа сари йўналди ва ул вилоятни бир хамладаёқ эгаллаб, бу вилоятда химоя учун колдирилган барча бухоролик амирзодаларни тўрт минг кишиси билан асир олди. Бу хабар бутун Мовароуннахр бўйлаб ёйилди. Буни эшитган амир Хайдар подшоҳ каттик ташвишда колиб, узок ўйга толди. Ноилож, кетма-кет енгилюрар чопарларни фармон билан амирлар олдига жўнатиб, «Урганжни ўз холига ташлаб, дархол олий даргоҳ остонаси сари кайтинглар, чунки бу томонда ялписига бало-казо офати кўзгалажак кўринади», дея буйрук берди. Амирлар

Урганж шаҳрини фатх килмокчи бўлиб турган айни чоғда бу каби буйрук нишонини ўкиб, нонни сувга ботирган бир вақтда тарвузлари кўлтигидан тушди ва ноилож Хоразм мамлакатини кўйиб, тезлик билан Бухоро томон йўналдилар. Урганж халки эса Бухоро амирлари кетганидан хабар топгач, Элтузархоннинг укаси Муҳаммадрахи мхонни салтанат тахтига чиқардилар. Муҳаммадрахимхон ўта шижоатли ва ботир киши бўлиб, бутун Хоразм мамлакатини ўз тасарруфи доирасига киритди ва фармонфармолик ишлари билан машғул бўлди. Ўша пайтда Муҳаммадрахимхон Хоразмда, жаноб амир Умархон Хўкандда ва амир Хайдарподшоҳ Бухорода ҳукмронлик қилишарди. Шу сабабли бир шоир ўша мазмунни ушбу туркий байтда жойлаштирган экан. Байт:

Муҳаммадрахим олдида топса жой,  
Умар тобе ўлмазми, Хайдар муте.

Алқисса, мир Хайдар подшоҳ Ўратепанинг фатх этилганини эшитиб, ўз амирларини Хоразмдан чақириб олиш пайдан бўлди.

### **Мир Хайдар подшоҳнинг Ўратепа томонга лашкар тортиб боргани зикри**

Мир Хайдар подшоҳ бир оз муддатдан сўнг катта кўшин билан сана 1221 /1806-07 йили Ўратепа томон юзланди. Анча йўлларни ортда қолдириб, ул диёрга етди ва Истравшан қалъасини паргор қизиги каби айлана қилиб ўраб олиб, камал ишига киришди ва урушга кириш учун барча лашкарига фотиха берди. Ўша вақтда Ўратепа вилоятини амир Олимхон томонидан кўйилган мулло Раҳматуллоҳ ва Қадам инок бошқарар эдилар. Ул икки сардор қалъа сари югурганларга қарата узлуксиз отиш йўсини билан ўк ва милтик ёмгирини ёғдиришди. Натижада ўликлардан тепаликлар ҳосил бўлди. Чунончи, Қадам инокнинг ўз оғзидан эштишимча, битта мерган ўточар милтик билан бир ўзи юз нафар душман аскарини санаб туриб ер тишлатган экан. Энди шундан қиёс қилаверасиз. Мир Хайдар подшоҳ қараса, қалъани фатх этиш ақлдан йирок ва ҳаёлдан узок гап. Шунингдек, айни топда Хўканд томондан амир Олимхоннинг ёрдам учун отлангани хабари ҳам келиб қолди. Ноилож, Ўратепани олиш фикридан қайтиб, ул диёрни ўз холига қўйган кўйи Бухорога қайтиб кетди. Анча йўл босиб, Бухорога кириб борди ва чарчокларини ёзиб, дам олишга киришди. Унинг кетидан Хўканд амирларининг энг эътиборлиси ҳисобланган Ражаб девонбеги амир Олимхондан ҳадикка тушиб, қочганча амир Хайдар подшоҳ хизматида келди. Амир Хайдар унинг келганини улуг бир файзу баракот сирасидан деб билди ва Ражаб девонбегиви ўзига яқин надимлар қаторига киритди. Ўша Ўратепадан қайтиш пайтида Каттакўргонда сайидлик паноҳи азиз акам Маҳмудхон рўхсат олиб, Сангзор қалъасига бориб кирди. Уч кундан сўнг амир Олимхоннинг Жиззахдан қайтгани ва Ўратепани ҳам холи қолдирганча, ўзи Хўкандга кетгани ҳақида хабар келди. Маҳмудхон бу хабарни эшитган захоти ҳеч тўхтовсиз ва тез равишда ёнига атиги икки-уч кишини олиб, Ўратепа томонга қараб кетди. Маҳмудхон менинг ўзимга «биз ўшанда Ўратепани икки оқ танга билан қўлга киритган эдик» деганини эшитганман. Маҳмудхон бу тўғрида шундай хикоя қилганди: - Шу кетишда

бориб тўғри шахарга кирдик, аммо, бизни йўқлаб келгувчи бирор одам бўлмади. Икки кун сой бўйида тунашимизга тўғри келди. Икки кундан сўнг ёнимизда колган ўша бор-йўғи икки тангага анчагина мол гўшти сотиб олиб, шўрва пиширдик ва шахар оксоколларидан беш-олтитасини мехмонга чакирдик. Уларга яхши-яхши сўзлар айтиб, кўнглиларини тўк килдик. Улар биз учун ёрдамга ошикиб, халк билан бирга ҳукумат гумашталарига хужум килдилар. Бизни эса уринишга кўйишмади. Ха, ўшанда бисотимда мазкур икки тангадан бўлак ҳеч вако йўк эди.» Махмудхон Ўратепани барча тобе ерлари билан кўлга киритгач, мамлакат ободончилиги учун киришди.

Ва ўша пайтларда Кобулдан Шох замон ташриф буюрди. Акл эгалари кўнглидан яширин колмасинким, бу сохиби давлатларнинг ҳар бири хакида батафсил баён этишга киришсам, сўз узокка чўзилади. Шунинг учун бошида ўзбак давлати баёнини айтдик ва охирида Бухоро ва Хўканд давлати хакида бўлак-бўлак сўз юритамиз. Бинобарин, бу ерда Афғония ахволи баёнида бир неча сатр ёзиш фурсати келди. Гарчи маънолар магзини чакувчи нуктасанжлар кўнглига малол келса ҳам бу мавзунини айтиб ўтмасак бўлмайди. Гапнинг кискаси шуки, сохибкирон Нодиршоҳ ўлими воқеаси рўй бергач, шох ёнидаги барча амирлари таркаб, ўз ўлкалари сари кетдилар. Шу орада садозай жамоасидан бўлмиш ва Нодиршоҳнинг удайчиси мансабида турган Ахмадхон ибн Садад афғон ўз жамоасини олиб, Кобул томонга юзланди. Унинг ёнида Кобул шахзодаларидан бири ҳам бор эди. Иттифоқо, йўлда жаҳон кезган ва дунё кўрган бир каландар йўликди. Ул сочлари патила-патила каландар кўлида бир дона бугдой бошогини ушлаб олган эди. Ахмадхон каландардан ёнидаги шохзода учун дуо килишни сўради. Ул сайёҳ кўлидаги бошокни шохзода бошига такишини билдирди. Ул бедавлат шохзода эса бундай ўзини олиб кочиб «бу оёқ яланг, боши очик девона дуоסי билан мушкилимиз ечилмасов», деди. Байт:

Либоси кўхна кадри дардмандон кам намесозад,  
Агар жавхаршиноси тегро урён тамошо кун.

(Мазмуни:

Эски тўн дардли ошиқлар кадрин пасайтирмас, бил,  
Агар гавхаршинос бўлсанг, килични ялангоч томоша кил).

Ул ҳақ йўлидаги мажнун шохзоданинг бу сўзларидан жаҳли чикди ва ўрнидан сапчиб туриб, кўлидаги бугдой бошогини Ахмадшоҳнинг бошидаги салласига санчиб кўйди ва Ахмадшоҳ ҳақкига дуо килди. Мисраъ: Маълум шуд ки рўзии кас кас намехўрад (Аён бўлдиким, биров бировнинг ризкини ея олмайди); Ахмадшоҳ эса ўрнидан ирғиб туриб, ул каландарнинг кўлини ўйди ва таъзиму хурматини жойига кўйди. Кейинчалик Ахмадшоҳ «бутун рубъи маскунга фармон берувчи бўлишимни ўшандаёқ англаган эдим», дея хикоя килган экан. Камина ҳам бу каби воқеани муборак Жидда шахрида бир жаҳонгашта сайёҳ ва Яман подшоҳзодаси ўртасида кечганини бу шохзоданинг махрами биродарим Юсуф афанди гувоҳлигида мушоҳада килган эдим. Хозирда бир нечта хожилардан эшитишимча, ул шох зода Яман мамлакатлари барчаси устидан ҳукм юргизишга эришибди ва бугунги кунда ҳам ҳаёт экан. Байт:

Кас намедонад дар ин баҳри амик,

Сангреза кадр дорад ё акик.

(Мазмуни: Киши билмайди бу чукур денгиз тубида, Майда шагал борми ёки аъкик тоши).

Ахмадшоҳ Кобул шахрига етишгач, оз вақт ичида Кобул мамлакатини эгаллади ва Хиндистоннинг етти донги мулки томон юриш қилиб, у ер мамлакатининг анчасини ўз қўлига киритди ва ул иқлим фармонфармоси бўлди. Анчадан сўнг вафот этиб, ўрнига ўгли Темуршоҳ жаҳон бошқариш тахтига минди. Темуршоҳ жудо доно, шоир ва илмда мохир подшоҳ эди. Яна талай афгон ўлкаларини қўл остида сақлади. Вафот этганида ундан қўп фарзандлар ёдгор қолди. Унинг замонида баракзай жамоаси мансабларга эришдилар. Чунончи, Фатхихон баракзай вазирлик ўриндигига ўтирди. Укаларининг ҳар бири бирор туманда ҳоким бўлдилар. Чунончи, сардор Азимхон жаннатга менгзар Кашмирда ҳукм сурди. Темуршоҳнинг давлати бир неча йил ўз ўрнида барқарор бўлиб, ниҳоят бу давлат қуёши ботиш сари юз тутиб, Темуршоҳ бу ўткинчи дунё билан хайрлашди ва ўрнига фарзанди шохзода Замоншоҳни салтанат тахтига ўтказдилар. Унинг муҳрига эса қуйидаги битикни ўйиб ёзган эдилар, Замоншоҳ муҳридаги сажъ:

Чу тахти шаҳи шуд зи Темур тихи,  
Замон дар замон ёфт шаҳаншаҳи.

(Мазмуни: Шохлик тахти Темурдан бўлди холи, Замонда Замон топди шаҳаншоҳлик).

Замоншоҳ ул вилоятда фармон берувчи бўлгач, ўша пайтларда қариндоши Маҳмудшоҳ Хиротдан Кобул сари юриш қилиб, Замоншоҳ устидан галаба қозонди ва уни ушлаб, ёруғ жаҳонни қўрувчи қўзига мил тортиб, қўр қилди. Демишлар, байт:

Ба чашми мунираш қашиданд мил,  
Фишонданд аз нарғисаш оби Нил.

(Мазмуни: Нурли қўзига тортдилар мил,  
Қилиб қўз ёшин юзида гўё Нил).

Ғолиб чиққан Маҳмудшоҳ салтанат тахтига ўтирди. Аммо, амирлар уни хохламай, бир неча кундан сўнг барчаси иттифок бўлиб, Шох Шужоъ ал-мулкни тахтга ўтказдилар. Шох Маҳмуд эса қочиб, яна Хиротга кетди. Бирок, анча вақт ўтгач, неча бир хийла ва найранг билан Фатхихон вазирни қожорга қарши уруш баҳонасида Кобулга қақирди ва неча бир ҳорликда ул вазирлик паноҳини қатлга етказдилар. Бу хабар унинг укаларига етиб, ўз подшоҳзодаларига қарши бош қўтардилар. Анча урушлар рўй бериб, Шох Шужоъ ал-мулк икки марта тахтдан туширилиб, икки марта қайта тахтга чиқди. Ниҳоят, қочиш сари юз тутиб, Лохур томонга кетди. Лохур подшоси Ранжид уни ушлатиб, қамокка ташлади. Бу хибсга олишининг сабаби шунда эдики, ер юзидаги подшоҳлар ўртасида жуда қимматга эга бўлган иккита тош бор - биттаси «Дарёи нур», иккинчиси «Қўхи нур». «Дарёи нур» Эрон подшоҳлари қўлида бўлиб, мен уни доруссалтана Техронда Фатхалишоҳ билагида қўрганман. «Қўхи нур» эса афгон подшоҳлари қўлида бўлиб, уни Шужоъ ал-мулк ўзи билан бирга Ранжид ҳузурига олиб борган эди. Бинобарин, қамокка олиб, қийноқлар билан қўлидан тортиб олди. Шужоъ ал-мулк у ердан қочиб, Шохжаҳонободга



фарангилар хузурига борди. Кобул вилояти эса анча жанжал ва олишувлардан хамда сардор Мухаммад Азимхон вафотидан сўнг Дўст Мухаммадхон гози кўлига ўтди. Дўст Мухаммадхон сохиби тадбир, шижоатли ва доно бир амир эди. Камина жуда кўп ўлкаларни кўрдим ва эл-юрт орасида эхтиромга эга бўлган анчагина подшоҳларнинг сухбатида бўлдим. Аммо, огам амир Дўст Мухаммадхон каби кишини кўрмадим ва эшитмадим. Амир Дўст Мухаммад даврида Шужоъ ал-мулк уч марта фарангий ёрдамига суяниб, лашкар йигиб келди ва улар ўртасида каттик урушлар рўй берди. Хар гал енгилиб, хар сафар Хиндистонга кочиб кетди. Давлат шу билан садозайлар хонадонидан баракзайлар кўлига ўтди. Дўст Мухаммадхон билан Шужоъ ал-мулк ўртасида кечган тўртинчи галги уруш воқеасини эса, Худо хохласа, кейинрок баён киламиз. Алкисса, Замоншоҳнинг ёруг жахонни кўрувчи кўзига мил тортилгач, бир неча кундан сўнг оиласи билан кўч-кўронини кўтариб, Мовароуннахр мамлакатлари сари йўлга тушди. Анча йўлларни оркада колдиргач, Бухоро якинига келди. Бу хабар амир Хайдар подшоҳ кулогига етиб, кутиб олиш учун хос на эшиларини юборди. Улардан бири Ражаб девонбеги бўлиб, у шундай хикоя килганди: «Мир Хайдар подшоҳ бир неча нарсани мулохаза килган кўйи бир кечаси мехмонни ўз хузурига чорлади ва кўрунишхонанинг олдигача келиб, истикболига пешвоз чикди. Афгон шохи ва ўзбак подшоҳи бир-бирини багрига босиб кўришдилар. Амир мехмоннинг кадамига хасанотлар айтиб, унга иззат-икромлар кўрсатди. Сухбат охирида кетишга рухсат берди ва яшаб туриши учун яхши бир уй тайин килди. Иўл чарчокларини ёзиб, дам олди. Ул гурбатда колган шохнинг хаё пардаси ортида ўтирган бир кизи бор эди. Мир Хайдар подшоҳ ул мастура киз дарагини эшитиб, Шох Замон олдига совчилик расми билан одам юборди. Шох бу гапдан газабланди ва «биз ул зотнинг хам тенги эмасмиз ва хам аларнинг вилоятига мусофир сифатида келиб колдик. Бу ишдан бизни маъзур тутсалар» деди. Шохнинг бу жавобидан сўнг амир Хайдар подшоҳ вужудини газаб туйгуси чулгаб олди ва шох харамининг ул исмат пардаси ортидаги кизини зўрлик билан ўз никохига киритди. Ул юртсиз овора шох эса неча бир хасрат ва алам доги билан байтуллох сари равона бўлди.» Ўша вақтларда 1225/1810 йили амир Олимхоннинг вафот этиб, ўрнига Умархон салтанат тахтига ўтиргани хабари келди. Анчадан сўнг саййидлик панохи Махмудхон амир Хайдар подшоҳдан арзимаган нарса учун аразлаб, ундан айрилганча амир Умархонга келиб кўшилди. Бу хабарни амир Хайдар подшоҳ эшитиб, ул вилоят сари юзланди.

давоми бор...